



7 июнь 2018 й.г. № 433

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши
хузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-
қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ–3680-сон қарори ижросини таъминлаш, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши хузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) фаолиятини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши хузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш жамғармаси Васийлик кенгашининг таркиби 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши хузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижро этувчи аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши хузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раисига зарурат бўлганда Жамғарманинг ижро этувчи аппарати тузилмасига бошқарув ходимларининг тасдиқланган чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Жамғарма Тошкент шаҳар, Ислон Каримов кўчаси, 2А-уй манзилига бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Жамғармани белгиланган тартибда Ҳукумат ва шаҳар алоқа воситалари билан таъминласин.

4. Жамғарманинг Васийлик кенгаши раиси (З.Мирзаев) Жамғарманинг Васийлик кенгаши тўғрисидаги низомни бир ой муддатда тасдиқласин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июндаги 391-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 6-сон, 106-модда) 4-иловага мувофиқ кўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т.Мирзаев ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси вазифасини бажарувчи А.А.Хайтов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

**Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши
хузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини
қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини таъминлаш этиш
жамғармаси Васийлик кенгашининг
ТАРКИБИ**

- Мирзаев З.Т. - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари,
Кенгаш раиси
- Хаитов А.А. - Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари кенгаши раиси вазифасини бажарувчи, *Кенгаш
раисининг ўринбосари*
- Мухитдинов Э.М. - Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи
ўринбосари
- Каримов А.Р. - Молия вазирининг ўринбосари
- Умаров З.С. - Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари кенгаши раисининг ўринбосари вазифасини
бажарувчи
- Ачилов М.А. - АТ “Агробанк” раиси ўринбосари
- Расулов Ш.Г. - АТ “Микрокредитбанк” раисининг биринчи ўринбосари
- Аббосов Н.Р. - АТ “Халқ банки” раисининг ўринбосари
- лавозимиغا кўра - Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари кенгаши хузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари
ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг
ижрочи директори, *Кенгаш масъул котиби.*

Изоҳ: *Васийлик кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, собиқ
аъзоларнинг вазифалари ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар зиммасига
юкланади.*

**Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши
хузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини
қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш
жамғармаси ижро этувчи аппарати
ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг чекланган сони - 25 нафар, шу жумладан, 18 нафар - Жамғарманинг ҳудудий вакиллари.

* Андижон, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларида Жамғарманинг ҳудудий вакиллари 2 тадан штат бирликлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва қолган вилоятларда Жамғарманинг 1 тадан штат бирликлари назарда тутилади.

**Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши
хузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини
қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши хузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) вазифалари ва фаолияти йўналишларини, бошқариш тартибини, шунингдек, унинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Жамғарма ўз фаолиятида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) ҳисобот беради.

2. Жамғарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Жамғарма муассаса шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансига, миллий ва хорижий валютада банк ҳисоб рақамларига, ўз эмблемаси тасвири туширилган ва номи давлат тилида ёзилган муҳрга, штампларга ва бланкаларга эга.

2-боб. Жамғарманинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари

4. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини молиявий қўллаб-қувватлаш Жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади.

5. Жамғарма ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини ривожлантириш, кредит ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш соҳасида қўллаб-қувватлаш;

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш, янги турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни рағбатлантириш, шунингдек қишлоқ хўжалигида янги самарали технологияларни жорий қилишга кўмаклашиш;

қишлоқ хўжалиги фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашувчи давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларни, лойиҳалар ҳамда тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш.

айланма маблағларга муҳтож “Томорқа хизмати” МЧЖларнинг устав фондини шакллантириш йўли билан уларнинг фаолиятига кўмаклашиш;

3 боб. Жамғармани бошқариш

6. Жамғарманинг Васийлик кенгаши Жамғармани бошқаришнинг юкори органи ҳисобланади.

7. Жамғарманинг Васийлик кенгаши:

Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари бўйича ҳар йилги прогнозларни тасдиқлайди;

Жамғарманинг маблағларини кредит ажратиш учун тижорат банкларига беришнинг, Жамғарманинг бўш маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришнинг, шунингдек, “Томорқа хизмати” МЧЖлар устав фондида иштирок этишнинг ҳар йилги чекланган параметрларини белгилайди;

Жамғарманинг ижро этувчи аппарати фаолияти устидан назорат қилади;

Жамғарма ижро этувчи директорининг Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботларини мунтазам эшитади;

ҳар чорақда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-кунидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Жамғарма маблағлари шакллантирилиши ва улардан фойдаланилиши тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади;

Жамғармани йиллик аудитдан ўтказиш учун, шу жумладан, унинг маблағларидан мақсадли фойдаланиш бўйича аудиторлик ташкилотини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Жамғарманинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисида таклифлар киритади.

Жамғарма Васийлик кенгаши қарорлари очиқ овоз бериш орқали, оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Жамғарманинг Васийлик кенгаши аъзоларига юкланган вазифалар бажарилганлиги учун Жамғарманинг Васийлик кенгаши тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда ва миқдорларда тақдирлаш пуллари тўланади.

8. Жамғарманинг ижро этувчи аппарати Жамғарманинг ижроия органи ҳисобланади. Жамғарманинг ижро этувчи директори (кейинги ўринларда Ижро этувчи директор деб аталади) Жамғарма ижро этувчи аппарати раҳбари ҳисобланади.

9. Ижро этувчи директор:

Жамғарманинг жорий фаолиятига оператив раҳбарлик қилади;

Жамғармага юкланган вазифаларга мувофиқ Жамғарманинг ижро этувчи аппарати фаолиятини ташкил этади ва шахсан жавоб беради;

Жамғарманинг ижро этувчи аппарати ходимларини ишга қабул қилади ва улар билан тузилган меҳнат шартномалари амал қилишини тўхтатади, уларнинг лавозим мажбуриятлари ва ваколатларини тақсимлайди;

ҳалқаро ва хорижий ташкилотларда Жамғарма номидан иш кўради;

Жамғарма номидан меҳнат, хўжалик, кредит шартномаларини ва бошқа шартномаларни, шу жумладан, ресурсларни ажратиш ва тижорат банкларининг депозитларида жойлаштириш тўғрисидаги шартномаларни имзолайди;

Жамғарманинг пул маблағлари ва моддий бойликларининг бухгалтерия ҳисоби юритилишини, молиявий ва статистика ҳисоботлари белгиланган тартибда тайёрланиши ва тақдим этилишини ташкил этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ва ваколатларни амалга оширади.

10. Жамғарманинг ижро этувчи аппаратини сақлаб туриш Жамғарманинг Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланадиган харажатлар сметаси асосида Жамғарманинг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

11. Ходимларни рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Жамғарма бюджетдан ташқари Ривожланиш ва моддий рағбатлантириш фондини ташкил этади ҳамда унинг низомини Жамғарманинг Васийлик кенгаши билан келишган ҳолда тасдиқлайди.

12. Жамғарманинг ижро этувчи аппарати ходимларига Кенгаш ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш шартлари жорий этилади.

13. Жамғарма ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ҳақ ва устамалар, рағбатлантирувчи тўловлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида ҳамда бюджетдан ташқари Ривожланиш ва моддий рағбатлантириш фонди тўғрисидаги низомда назарда тутилган қўшимча моддий рағбатлантириш маблағларидан ташкил топади.

14. Жамғармага юкланган вазифаларни бажариш учун Жамғарма харажатлари сметасига мувофиқ иккита хизмат автотранспорт воситасини харид қилиш ва сақлаш учун маблағ ажратилади.

4-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш

15. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасидан ва Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан ажратиладиган тегишлича 350 миллиард сўм ҳамда 150 миллиард сўм миқдоридagi бир марталик беғараз молиявий ёрдам;

аукцион савдоларида фуқароларга ер участкаларига мерос қилиб қолдирилдиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини сотишдан тушадиган тушумнинг 10 фоизи;

Жамғармага юкланган вазифаларни бажариш учун жалб қилинадиган халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорларнинг кредитлари (қарзлари) ва грантлари;

Жамғарманинг даромадлари, шу жумладан, маблағларни депозит ҳисоб рақамларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

16. Жамғарма маблағлари тижорат банкида очилдиган махсус ҳисоб рақамида (кейинги ўринларда махсус ҳисоб рақами деб аталади) жамланади.

Хорижий валютадаги маблағлар Жамғарманинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида белгиланган тартибда очилдиган махсус валюта ҳисоб-рақамларига ўтказилади.

17. Жамғарма маблағлари ушбу Низомда назарда тутилган вазифаларни бажаришга йўналтирилади, жумладан:

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига 3 йил муддатга, шу жумладан 1 йилгача имтиёзли давр билан 2 фоизлик банк маржасини ҳисобга олган ҳолда йиллик 7 фоиз ставкада кредитлар бериш учун АТ “Микрокредитбанк”, АТ “Агробанк” ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Халқ банки”га ресурслар жойлаштиришга;

тижорат банклари орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича 2 фоиз банк маржасини ҳисобга олган ҳолда “Томорқа хизмати” МЧЖ, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бошқа ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тайёрлаш, таъминлаш, савдо ташкилотлари ҳамда лизинг компанияларига моддий-техник базани мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва транспорт сотиб олиш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг иссиқхоналарини қуриш учун материаллар ва бутловчи қисмлар харид қилишга кредитлар беришга;

Жамғармани фаолиятини сақлаб туриш ва моддий-техник жиҳатдан таъминлашга;

айланма маблағларга муҳтож бўлган “Томорқа хизмати” МЧЖларнинг устав фондини 25 фоиздан кам бўлмаган миқдорда шакллантиришга;

фермер, деҳқон хўжаликларига инвестицияларни жалб қилиш ва томорқа ерларни ривожлантиришга ҳамда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа йўналишларга;

Кенгашни сақлашга ва моддий-техник таъминлашга ҳамда маблағларни тижорат банкларига жойлаштириш ҳисобига олинadиган Жамғарма даромадларнинг 30 фоизигача миқдордаги маблағлар унинг ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

18. Ушбу Низомнинг 17-бандида қайд этилган мақсадларни молиялаштириш учун ажратилган Жамғарма маблағларидан қатъий белгиланган йўналишларда фойдаланилади.

5-боб. Тижорат банкларига ресурслар бериш тартиби

19. Тижорат банкларига ресурслар ажратиш учун Жамғарма ва бош тижорат банки ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бош келишув тузилади.

Жамғарма томонидан АТ “Микрокредитбанк”, АТ “Агробанк” ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Халқ банки”га ресурс ажратиш бўйича бош келишувда ушбу маблағлар тижорат банклари томонидан фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига 3 йил муддатга, шу жумладан, 1 йилгача имтиёзли давр билан 2 фоизлик банк маржасини ҳисобга олган ҳолда йиллик 7 фоиз ставкада кредитлар бериш учун ресурс сифатида ишлатилиши алоҳида келишиб олинади;

Жамғарма томонидан тижорат банкларига ресурслар ажратиш бўйича бош келишувда ушбу маблағлар тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича 2 фоиз банк маржасини ҳисобга олган ҳолда “Томорқа хизмати” МЧЖ, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бошқа ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тайёрлаш, таъминлаш, савдо ташкилотлари ҳамда лизинг компанияларига моддий-техник базани мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва транспорт сотиб олиш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер

эгаларининг иссиқхоналарини куриш учун материаллар ва бутловчи қисмлар харид қилишга кредитлар бериш учун ресурс сифатида ишлатилиши алоҳида келишиб олинади.

20. Бош келишувни тузиш учун тижорат банклари Жамғармага банкнинг тегишли бошқарув органи (кузатув кенгаши ёки акциядорлар умумий йиғилиши) томонидан тасдиқланган бош келишув тузиш тўғрисидаги қарорнинг ёки бош келишув тузиш ваколатини берувчи бошқа ҳужжатнинг бир нусхасини тақдим этади.

21. Жамғарма маблағлари ҳисобига кредитлар ҳудудий фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари билан келишилган ҳолда ёки уларнинг тавсияномасига асосан берилади.

Тавсия этилган қарздор кредит олиш бўйича талабларга мос бўлмаганда тижорат банклари кредит бермаслик ҳуқуқига эга.

22. Бош келишувни тузган тижорат банклари маблағлар олиш учун ҳар ойда Жамғармага ҳудудлар бўйича ҳудудий фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари билан келишилган қарз олувчилар – лойиҳа ташаббускорлари кўрсатилган буюртманомани ҳамда банкнинг тегишли кредит қўмитасининг кредит ажратиш тўғрисидаги қарори ҳақидаги ахборотни тақдим этадилар.

23. Олинган буюртманомалар асосида Жамғарма маблағларни тижорат банкига ўтказиб беради.

24. Жамғарма томонидан тижорат банкларига ажратилган ҳамда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига кредит бериш учун фойдаланилаётган ресурслар учун бош банк бош келишувда назарда тутилган тижорат банки маржасини ажратиб қолган ҳолда имтиёзли фоиз ставкаси миқдорида фоиз ҳисоблайди, ушбу маблағлар жамғариб бориладиган ҳисобрақамида йиғилади ва бош келишувда белгиланган муддатларда Жамғарманинг тегишли банк ҳисобрақамига ўтказиб берилади.

25. Тижорат банки фойдаланилмаган ва муддатидан олдин қайтарилган маблағларни Жамғарма ҳисобрақамига қайтаришга мажбур.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

26. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

27. Ушбу Низомни амалга оширишда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, шу жумладан, суд тартибида ҳал этилади.

28. Жамғарма тугатиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 7 июндаги
433-сон қарорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июндаги
391-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси
Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги Хусусийлаштирилган
корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш,
тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган қўшимчалар**

8 бандда:

биринчи хатбошига “тасарруфида қолдириладиган” сўзларидан кейин “шунингдек, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши хузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтириладиган аукцион савдоларида фуқароларга ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини сотишдан тушадиган тушумнинг 10 фоизи” сўзлари қўшилсин;

учинчи хатбошига «Савдо-саноат палатасига» сўзларидан кейин “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига” сўзлари қўшилсин;

тўртинчи хатбошига «маҳаллий бюджетларига» сўзларидан кейин “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига” сўзлари қўшилсин.